

# БАҢҚ АЖБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тadbirkorларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 49 (1124), 2017 йил 7 декабрь

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун


### Конституциянинг янги наشري

1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 дан ортиқ қонун ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши Асосий қонунимизга бўлган юксак эътибор намунаси бўлиши билан бирга, уни янада пухта ўрганиш,



тарғиб этишга оид ишларни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Ўзбекистон» нашриёти томонидан янгидан нашрдан чиқарилгани Бош қомусимизнинг 25 йиллик айёмига муносиб тўхфа бўлди. Конституциянинг янги нашида сўнги йилларда Асосий қонунимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз ифодасини топган. Китоб ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида кўп минг нусхада чоп этилди.

ЎЗА материал асосида.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармониغا ШАРҲ

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда.

Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва «ақлли» технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Ушбу мамлакатларда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат стратегиясининг ижроси шартли равиш-

да «келажак вазирликлари» деб номланувчи маҳсус идоралар томонидан амалга оширилади.

Инновацион ривожланиш учун масъул идораларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал улушнинг кўпайиши ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш си-

фатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош санатга, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим.

(Давоми 2-бетда).



### «Туронбанк» АТБ Хитой Эксимбанки билан икки томонлама келишувни имзолади

КГЭС қурилиши бўйича давлат келишувларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрда қабул қилинган ПҚ-3335-сонли Қарори ижроси юзасидан «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан Хитой Экспорт-импорт банки мутахассислари билан биргаликда 58,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларини жалб этиш бўйича фаол иш олиб борилди.

Мамлакатимиз Президентининг Хитой Халқ Республикасига 2017 йил май ойидаги давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кичик гидроэлектростанциялар (КГЭС) қурилиши бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан икки томонлама Келишув имзоланган эди.

Жорий йилнинг 30 ноябрда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ва Хитой Экспорт-импорт банки ўртасида «Ўзбекгидроэнерго»

АЖнинг Хитой Халқ Республикасидан КГЭС қурилиши учун ускуналарни харид қилиш лойиҳаларини кейинчалик қайта молялаштириш кўз-

да тутилган 58,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi 20 йилга мўлжалланган қарз келишуви имзоланди.

Бундан ташқари, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан бугунги кунда амалдаги гидроэлектростанцияларни модернизациялаш ва қуриш бўйича янги лойиҳалар тайёрланмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Хизматлар лицензияланган.

#### УШБУ СОНДА:

##### Банк хизматлари

Банклар томонидан жорий этилаётган янги хизматлар асосида миқозлар учун қўшимча қулайликлар яратилмоқда.  
3-бет.

##### Бизнес жараёнлар

Муҳим инвестицион анжуман.  
4-бет.



##### Тadbirkorлик

Хотин-қизларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиб.  
6-бет.



Реклама уриди.

## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармониغا ШАРҲ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизimini яратиш заруратини таъкидлади.

Бироқ, бой интеллектуал ва инфраструктуралар салохиятга қарамадан, мамлакатда инновацияларни жорий этиш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилмаган, бунга кўйидаги тизимли муаммолар мавжудлиги сабаб бўлган: давлатнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденциялари лозим даражада комплекс таҳлил қилинмасдан ва ўрганилмасдан келган;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни, шунингдек, мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган ягона орган мавжуд эмас;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларини кенг татбиқ этиш, инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфраструктурани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаётган; юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича тизимли ва мақсадга йўналтирилган фаолият йўлга қўйилмаган;

инновацион ғоялар, ишланма-

лар ва технологиялар соҳасида юқори салохиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик паст даражада сақланиб қолмоқда.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.

Мазкур Фармонга инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни кенг жорий этиш борасида Мазмурий ислохотлар концепциясини амалда рўйга чиқариш бўйича муҳим қадам сифатида қараш мумкин.

Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шакллари амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфраструктурасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият курилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асо-

сий йўналишлари назарда тутилди.

Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди.

Вазирлик давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси бўлади, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Инновацион технологиялар ҳисобига ривожланишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқувчи, шартли равишда «келажак вазирликлари» деб номланувчи ихтисослаштирилган идораларни ташкил қилиш бўйича ҳажон тенденциясини қайд этиб ўтиш лозим.

Фаолиятда бир-бирини такрорлашни истисно этиш, ягона ёндашувларни таъминлаш мақсадида 2018 йил 1 январдан бошлаб Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси хузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, Фан ва технологиялар агентлиги тугатилмоқда.

Ташкил этилган Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича ҳисобот беришининг шаффоф тизимидан фойдаланган ҳолда инновацион ғоялар ва уларни ишлаб чиқишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаси ҳисобланади.

Фармонни амалга ошириш доирасида фаолиятда бир-бирини такрорлашни истисно этиш мақсадида вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг вазифа ва функциялари қайта кўриб

чиқилади, уларнинг ташкилий-штат тузилмалари ва ваколатлари оптималлаштирилади.

Шу билан бир қаторда, илмий-тадқиқот фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва унинг натижаларини амалиётга жорий этиш, шунингдек, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, юқори технологиялар маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича технопаркларни ташкил этиш мақсадида Фанлар академияси ва Олий аттестация комиссиясининг фаолиятини танқидий ўрганиш топширилди.

Фармонда инновацияларни жорий этишнинг қонуний асосларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан, илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ҳамда қўллаб-қувватлаш шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни белгилувчи «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва «Фан тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши инновацион ва илмий-техникавий ривожланиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган. Янги идора инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рўйга чиқариш учун бюджет маблағларидан оқилонга фойдаланган ҳолда мавжуд ресурс ва маблағларнинг сафарбар этилишини таъминлайди.

Пировард натижада, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг инновацион йўли иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи, мамлакат барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг омили бўлиши лозим.

Ў.А.

## Иқтисодиётни либераллаштиришда ошкораликни таъминлаш масалалари

Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда ҳолис ва тўғри баҳоланишини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан халқаро ташкилотларнинг 18 та саволномаси доимий равишда тўлдрилиб келмоқда.

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги анжуманида мазкур йўналишдаги ишлар ҳамда Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК), Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тарақиёт банки, Осиё тарақиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан статистика соҳасида олиб борилган ҳамкорлик муносабатларига тўхталиб ўтилди.

Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3165-сонли Қарорига асосан 2017-2021 йилларда Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Макроиктисодий, тармоқ ва ҳудудий даражалар-



да ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашда замонавий усуллар ва услубиятларни кенг жорий этиш йўли билан статистик қузатувлар тизimini умумқабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш, миллий ва хорижий фойдаланув-

чиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг юқори даражада очик ва ошкоралигини таъминлаш, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари ва материалларини халқаро статистик тўпламларда чоп этишни қўшган ҳолда, халқаро статистик ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, миллий



## БАНК ХИЗМАТЛАРИ

## КЎРГАЗМА

## Асал байрами ва асал маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси

Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ва «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки юз элликдан ортик асаларичи ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.



Мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми муттасил ошмоқда. Юртимиз бозорларида бўлган киши савдо расталарида товланаётган турфа ноз-неъматларни кўриб, она ер саховати, деҳқон ҳимматига тасанно айтади. Ушбу неъматлар орасида, айниқса, асал ўзининг шифобахш хусусиятлари билан алоҳида аҳамият касб этади. Юртимизнинг мўътадил

иқлими асал йиғиш ва асал маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулайдир.

Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги «Республикаимизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаб олишда дастуриламал бўлаётир. Унга кўра, юртимизда фаолият юритаётган асаларичиларни бирлаштириш, ўзаро тажриба алмашишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилди.

Уюшмага аъзо хўжаликлар 2023 йилгача соҳада қўлланиладиган усқуналар, асалари уяларини ташиш учун махсус транспорт воситалари, асалари касалликлари ва зараркундаларига қарши қўлланиладиган ветеринария дори воситалари, препаратлар, мумпарда ва мум маҳсулотлар учун божхона тўловлари тўламайди. Бу эса маҳсулот ҳажми ортишини таъминлайди. Хусусан, жорий йил 15 тонна асал ва асал маҳсулотлари етиштирган асаларичилар 2021 йилга бориб бу кўрсаткични 23 тоннадан ошириши кутилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

## «КДБ Банк Ўзбекистон»: пластик карта эгаларига қўшимча қулайликлар

«КДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти мижозлари учун «Visa Classic Exchange» карталари ёрдамида интернет орқали «онлайн» тўловларни амалга ошириш имкониятини тақдим этди.

Банкнинг мазкур хизмати-га уланиш ёки «Visa Classic Exchange» картасини очиш учун «КДБ Банк Ўзбекистон» АЖнинг мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимига мурожаат этиш талаб этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жо-

изки, бундан олдинроқ «КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ томонидан янги хизмат турлари – «СМС ёрдамида VISA картани блок қилиш» ҳамда «3Dsecure» (Verified by Visa) жорий этилгани маълум қилинганди. «3Dsecure»

(Verified by Visa) хизмати интернет тармоғи орқали амалга ошириладиган транзакцияларнинг энг юқори хавфсизлигини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, банк томонидан яратилаётган бундай имкониятлар мижозларга «VISA» карталарини масофадан туриб бошқаришда қўшимча қулайликларни яратяди.

Бобур САТТОРОВ.

иқтисодий тармоқлари ва соҳалари ҳамда ҳудудларнинг ривожланишини, ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодийни эркинлаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишини, аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини янада тўлиқ акс эттирадиган статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлаш масалари ҳужжатда алоҳида кўрсатилган.

– Қарорга мувофиқ, кўмита томонидан ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда хўжалик юритувчи субъектларга ҳар томонлама кўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш чоралари кўрилмоқда, – дейди Давлат статистика кўмитаси раисининг иқтисодий статистика бўйича ўринбосари Агзам Икрамов. – Давр талабидан келиб чиқиб, статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, етказиш ва тарқатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий

этиш, статистик маълумотлар билан ишлаш жараёнида автоматлаштириш даражасини чуқурлаштириш, статистик маълумотларнинг ягона банкни шакллантириш бўйича ҳам ишларни давом эттирилмоқда.

Айтиш жоиз, шу йилнинг 1 ноябрдан Давлат статистика кўмитасининг янги веб-сайти ишга туширилди. Унда қўллаб статистик ва таҳлилий маълумотлар, пресс-релиз ҳамда бошқа ахборотлар жойлаштирила бошланди. Бу борада Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик янада кучайтирилган бўлиб, айни пайтда ташкилотнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (ХВФ к-МТУТ)га уланиш жараёни жаддалашган. Бунинг учун эса мамлакат раҳбарлари томонидан зарур ҳуқуқий база яратилиб, масъул давлат идоралари белгиланган.

Бундан ташқари, тегишли маълумотларни эълон қилишда ҳуқуқат томонидан алоҳида Назорат режаси, Идораларо ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди ҳамда Давлат статистика кўмитасининг Комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ушбу тизим 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб йўлга қўйлади.

Назира МАВЛОНОВА.

## ЯНГИ ХИЗМАТ

## «Cash2Card»: пул жўнатмалари тизимида ЯНГИ ХИЗМАТ

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки «Юнистрим» халқаро пул ўтказмалари тизими билан ҳамкорликда «Cash2Card» хизматини йўлга қўйди.



Янги хизмат «Юнистрим» тизими орқали дунёнинг барча давлатларида муомалада бўлган пластик карталарга тўғридан-тўғри пул жўнатиш имконини беради.

Ўтказмаларни расмийлаштиришда банк картаси талаб қилинмайди. Бунда фақатгина «Cash2Card» хизматида фойдаланган ҳолда карта рақами операторга маълум қилинса бас.

Айтиш жоиз, «Юнистрим» халқаро пул ўтказмалари тизими орқали «Cash2Card» хизмати асосида мижоз ўз пулнинг картаси ҳисобини тўлдириб бориши ҳам мумкин. Тўлдирилиши мумкин бўлган карталар хоржий давлатлар, жумладан, Россия Федерациясида эмиссия қилинган «Visa» ва «MasterCard»ни ўз ичига олади.

Эндиликда бундай жўнатмалар «Ипотека-банк» АТИБ-

нинг барча филиалларида амалга оширилади.

Халқаро тўлов тизими эга банк-эмитентлар жойлашган давлатлар сифатида «Visa» пластик картаси бўйича АҚШ, Афғонистон, Венесуэла, Колумбия, Бирма (Мьянма), Зимбабве, Ироқ, Эрон, Куба, Кот Дивуар, Либерия, Ливан, Шимолий Корея, Сурия, Судандан ташқари қолган барча давлатларни, «MasterCard» бўйича эса Озарбайжон, Албания, Арманистон, Беларусь, Босния ва Герцеговина, Болгария, Венгрия, Грузия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Кипр, Косово, Македония, Мальта, Молдова, Черногория, Польша, Руминия, Сербия, Словакия, Словения, Туркия, Хорватия, Чехия, Молдова, Россия, Тожикистон каби мамлакатларни қайд этиш мумкин.

Ширин БАЙСЕНОВА.

## «Orient Finans Bank»нинг халқаро рейтинг тасдиқланди

Жорий йил ноябрь ойида «S&P Global Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Orient Finans Bank» хусусий акциядорлик тижорат банкнинг халқаро рейтинг тасдиқланди. Унга кўра, банкнинг узок муддатли кредит рейтингини «В-», қисқа муддатли кредит рейтингини «В» даражасида тасдиқлаиб, рейтинг истикболи «Барқарор» дея эътироф этилди.

Эслатиб ўтамиз, «Orient Finans Bank» ХАТБ 2011 йилдан бери мазкур нуфузли рейтинг агентлигининг халқаро рейтингларига сазовор бўлиб келмоқда. «S&P Global Ratings» мутахассисларининг таъкидлашича, банкка берилган ижобий рейтинглар унинг бизнеси ривожланаётгани-

дан ва даромадлилик даражаси ўсиб, барқарорлиги мустақамланаётганидан далолатдир. «Orient Finans Bank» ХАТБ шунингдек, «Ahor-Reyting» миллий рейтинг агентлигининг «UZA» даражасидаги, истикболи «Барқарор» кредит рейтингига эга.

Жасур МИРЗАЕВ.

Реклама



8 Декабрь

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси куни

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки  
жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 25 йиллиги байрами билан  
самимий муборакбод этади!**

**Ватанамиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу  
ишларингизда омадлар тилайди! Юртимизни  
тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари  
асло тарк этмасин!**

**Тинчлигимиз барқарор,  
ҳаётимиз фаровон бўлсин!**



www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

## Муҳим инвестицион анжуман

Жорий йил 5 декабрь куни пойтахтимизнинг «Hyatt Regency» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан «RB Partners» (Россия) ва «GlobalScope» (Буюк Британия) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган «FDIUZ» халқаро бизнес форуми ташкил этилди.

Унда қатор халқаро молия ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, иқтисодчи мутахассислар ҳамда тегишли вазирлик ва



қўмита вакиллари иштирок этди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги тажрибаларни умумлаштириш, биз-

нес жамоатчилиги вакилларининг тармоқлараро ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини кўриб чиқиш, шунингдек, мамлакатнинг инвестицион жозибадор-

## Асал байрами ва асал маҳсулотлари кўرғазма-ярмаркаси

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

– Имкониятлардан унумли фойдаланиб, етиштирган маҳсулотларимизни уюшма кўмагида экспортга чиқармоқчимиз, – дейди **самарқандлик асаларичи Ибодулла Хонхўжаев**. – Ҳозирга қадар 150 асалари оиласини парвариш қилиб, йилига ўртача уч тонна асал йиғиб олаёلمиз. Истиқболда экспортни йўлга қўйиш, асалари оилаларини кўпайтириб, ҳосилдорликни оширишни режалаштирганмиз.

Ярмаркада асаларичилар томонидан тақдим этилаётган асал, асал муми, болари чанги, асалари сути каби турфа маҳсулотларни таълаб олиш мумкин.

– Асал сифатини аниқлаш учун қадимдан турли усуллар қўлланилган, – дейди **Қорақалпоғистон Республикасидан келган асаларичи Бахтиёр Жубаев**. – Масалан, асал қошиқдан узилмай чўзилиб оқса ёки оловга тугилганида ёнса, сифатли ҳисобланган. Турли шубҳаларга бормаслик учун яхши-си, қадоқланган, ташкилот номи келтирилган маҳсулотни харид қилган маъқул. Мисол учун, биз фаолият юритаётган Нукус туманида асални қадоқлаш ва мумлардаси ишлаб чиқариш цехи фаолият юритмоқда.

– Бунинг янада осонроқ усули бор, – дейди **тошкентлик асаларичи Ҳамидбек Маҳмудов**. – Мисол учун, харид қилишдан олдин бир томчи асалга кимёвий қалам суртиб кўрилганда томчида мовий-бинафша ранг пайдо бўлмаса, демек, у ҳақиқий асал ҳисобланади. Тоza асалнинг шифобахш хусусиятларини сақлаш учун қалай, темир, тунука, мис идишларда эмас, балки, рангли ва шиша идишлар, шунингдек, оғзи маҳкам ёпиладиган чинни, сопол буюмларда сақлаш лозим. Бундан ташқари, куёш нури ва иситиш мосламаларидан узоқроқда сақлаган маъқул.

Жорий йилнинг 10 декабригача давом этадиган тадбир доирасида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси вакиллари ва асаларичилар иштирокида илмий-амалий семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

**ЎзА Материали асосида.**

лигини ошириш билан боғлиқ PR-масалаларини муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Бизнес форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Азим Аҳмедходжаев мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва қўлай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган қадамлар ҳақида тақдимот қилди. У юртимизда хорижий инвесторлар учун яратилган имкониятлар хусусида фикр юритар экан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, эркин ва самарали фаолият юритиши учун қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш, қисқача айтганда, инвестициявий муҳитни янада барқарорлаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани ҳақида таъкидлади.

(Давоми 7-бетда).



## ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР


## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ

## Марказий Осиёда пулга асос солиниши тарихи ва тараққиёти

(Якуний қисм.

Боши 36-37-сонларда).

Қуйида Санкт-Петербургдаги Буюк Пётр номидаги политехника университетининг Саноат менежменти ва иқтисодиёти олий мактаби профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Юрий БАХРОМОВ томонидан махсус «Банк ахборотномаси» нашри учун Марказий Осиёда пулнинг юзага келиши тарихига доир тайёрланган туркум мақоланинг сўнгги қисми эътиборингизга ҳавола этилмоқда:



5000 тангалик

Қўқонда «тилла» (вазни 4,5 дан 4,7 граммгача) номи билан юритилган олтин танга ва қумуш тангалар (тахминан 3 граммлик) муомалага киритилган. Айни пайтда бир тилла 20-22 тангага (хонлиқнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб) тенг эди. Бу тангалар Қўқоннинг деярли барча хонлари томонидан зарб этилган. Бундан ташқари, «пул» деб аталган мис тангалар ҳам қўлланилган. Бир танга 21-24 пулга тенг бўлган (хонлиқнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, бу қиймат ўзгариб турган). Қўқон хонлиги тугатилгач, маҳаллий пуллар ўрнини босқичма-босқич равишда Россия рубли эгаллай бошлаган. Тилла 4 рубллик олтинга, танга эса 20 тийнлик қумуш пулларга тенглаштирилган. Ўша даврда ҳатто «ипак пуллар» ҳам муомалага киритилган. Аниқроқ айтганда, Хива хонлигини сўнгги йилларда бошқарган Саид Абдулла даврида, унинг ҳокимияти инқирозга юз тутган, Хоразм воҳаси ҳудудида ипак пуллар ишлатилган. Бундай пуллар қўл меҳнати қўлланилган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ипак матоларига махсус ёзувлар битилиши орқали ишлаб чиқарилган.

## 5-ҚИСМ.

## ЛОТИН АЛИФБОСИ, ТУРКБОНЛАР, ТАНГА

1932 йилда Ўзбекистон аллақачон лотин алифбосини жорий этган эди. 1929 йилдаёқ араб ёзуви ўрнига лотин алифбоси қўлланила бошлади. Бироқ аксарият саводли инсонлар ўша йилларда нома битиш учун ҳанузгача араб алифбосидан фойдаланар эди. Ҳатто носқовоқ ишлаб чиқарилган йил ҳам араб рақамларида ёзилган. Айтганча, маълумот учун айтиш лозим: Ўзбекистонда ки-

рилл алифбоси 1940 йилдан бошлаб қўлланилган.

1917 йилдан кейин Туркистон губернияси Россия пул тизимига амал қилувчи Туркистон автоном республикаси мақомига эга бўлди. Россияда фуқаролик уруши бошлангач, Туркистон ўлкаси Москвадан бутунлай «четлатилди» ва пулга эҳтиёжи ортган ўлка ҳукумати 1918 йилга бориб Россия Советининг маъмуриятдан Тошкент шаҳрида пулни босиб чиқаришга рухсат беришни сўради. Изн берилишини кутиб турмасданоқ Туркистон халқ комиссарлари Кенгаши 1918 йил апрель ойида «Халқ банки Тошкент шаҳар бўлинмасининг айирбошланувчи пул белгиси» номи билан юритилган пул бирлигини муомалага киритди ва мўайян муддат давомида бу пул ўлканинг барча ҳудудларида қўлланилди. Бу пулнинг 1, 3, 5, 10, 25, 50 рубллик номиналлари мавжуд эди. Кейинчалик 100 рубль номиналига тенг пул ишлаб чиқарилди. Гарчи бу пуллардаги белгилар Тошкент Давлат банки активлари томонидан қафолатган бўлса-да, улар расман кучга эга эмас эди. Ўша вақтларда икки турдаги пул белгилари ишлаб чиқарила бошлади, жумладан, уларнинг яна бири «туркбон» деб аталарди.

1918 йил октябрда РСФСР халқ комиссарлари Кенгаши «вақтинча фойдаланиш учун» имзоси остида Туркистон халқ комиссарлари Кенгаши томонидан Тошкент шаҳрида кредит чипталари ишлаб чиқарилишига рухсат берди. Махсус қарорга биноан «Туркистон ўлкасининг муваққат кредит чипталари» бутун ҳудуд бўйлаб кенг қўлланилиши белгиланган. 1919 йилга қадар шу ном остида 50 дан 500 номиналгача бўлган пуллар

зарб этилган эди. 1920 йилга келиб 1000, 5000 ва 10000 рубль номиналидаги туркбонлар муомалага киритилди. Бундай номиналдаги пулларнинг ишлаб чиқарилиши ўлка иқтисодиётида инфляция даражаси ортишига сабаб бўлди.

Бухоро амирлигида қўл меҳнати қўлланилган ҳолда қоғоз пулларни ишлаб чиқаришга уринилган. 1920 йилда бу пулларда битилган белгилар янгидан жорий этилган танга ва рублларда акс эттирилди. Бироқ бу пулларнинг ҳам «умри» узоқ бўлмади. 1924 йилда улардан фойдаланишга чек қўйилди.

Умуман олганда, ўша даврда Туркистон ўлкаси ҳудудида турли хилдаги пуллардан фойдаланишга йўл қўйилди: ҳукумат (Николай) пуллари, Муваққат ҳукумат (керенка), маҳаллий туркбонлар, Бухоро пуллари ва бошқалар шулар жумласидандир. Республикалар ўртасидаги савдо келишувлари давомида Туркистон пуллари ва бошқалар туркбони 1 керенка пулга тенглаштирилган.

1919 йил май ойидан бошлаб Туркистон бўйлаб 1 дан 10000 рубль номиналига эга пул бирлигидан фойдаланилди. 1921 йил 1 январдан то 1 мартга қадар Туркистон ўлкасининг барча шаҳар ва қишлоқларида туркбонлар умумрус пул белгилари ҳам айирбошланди. 10 рубллик туркбонлар 1 Россия рублига тенглаштирилди ва мавжуд барча туркбонлар шу курс бўйича айирбошланди. 1924 йилга қадар бу пуллардан фойдаланилди.

1922 йилда бошланган пулмолия ислоҳоти 1924 йилда якунига етказилди ва ўтган даврда қўлланилган барча турдаги қоғоз пуллар ўрнига олтин аралашмали танга пуллар ишлатиладиган

бўлди. Вазни, ҳажми ва шакли бўйича аввалги тангаларни эслатувчи олтин тангаларнинг биттаси Николай II даврида муомалага киритилган 10 пулга тенг эди. Қизиги шундаки, бу тангаларда Николайнинг эмас, балки ишчи-деҳқоннинг сурати акс эттирилган эди. Ўша йилдан бошлаб Марказий Осиёнинг барча республикаларида Россия рубли қўлланилди. Бироқ ҳатто 1945-1950 йилларда ҳам оддий одамлар ҳисоб-китоб қилиш жараёнида 20 тийн ўрнига «танга» сўзини тақрорлашда давом этарди.

Шундай қилиб, юқорида мустақил Ўзбекистонда пулнинг юзага келиши тарихига қисқача тўхталишга ҳаракат қилдик.

Гувоҳи бўлганимиздек, пуллар ривожланишининг тарихи узун бўлган. Мухтасар айтганда, пуллар қуйидаги сифат ва хусусиятни ўзида жамлади: бир хиллик, барқарорлик, бўлишувчанлик, таниқлилик, чидамлилиқ ва қўлайлик. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган пуллар ҳам юқоридаги хусусиятларни ўзида жамлаган ҳамда жаҳон савдоси ва иқтисодиётида унинг роли катта эканлигини унутмаслигимиз лозим.

## 6-ҚИСМ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ

Деярли ҳар бир мамлакат ўзининг пул белгиси, валютасига эга. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам миллий валюта – сўмга эга. Миллий валютага асос солиниши мамлакатимизга пул-кредит ва молиявий сиёсатини мустақил равишда юритиш имконини берди.

1990 йил 24 март ойида Ислоҳ Каримов республикамизнинг Биринчи Президенти сифатида сайлан-

ди ва ўша йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ҳақидаги Декларация қабул қилинди. 1991 йил 31 августда эса мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинди. 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги умумхалқ референдуми ҳамда муқобиллик асосида Президент сайлови ўтказилди. 1991 йил охирига бориб аксарият МДХ давлатлари айрим объектив ва субъектив сабабларга қўра оғир иқтисодий вазиятни бошидан ўтказди. Уларнинг айримларида анча пайтга қадар собиқ Иттифоқ рубллари қўлланилган. 1992 йил июль ойида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Россиядан бошқа ҳудудларда чекланди. 1993 йил июль ойида эса нақд рублларнинг кириб келиши тўхтатилди. Натижада турли хил мураккабликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон 1993 йил ноябрь ойи якунига қадар ўзининг миллий валютасини жорий этди. Ўзбекистон миллий валютасини жорий этиш икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда 1993 йил ноябрдан бошлаб вақтинча фойдаланиш мақсадида сўмкупони пуллар муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 16 июндаги ПФ-870-сонли «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони асосан 1994 йилнинг 1 июлидан эътиборан миллий валюта – сўмининг муомалага киритилгани мустақил банк тизимининг, умуман, Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турлари фақат миллий валюта «сўм» билан амалга оширилиши белгиланди.

Ҳозирги жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви даврида халқаро савдо кўлами кенгайиб, катта ҳажмдаги савдо айланмалари пул тизимини янада тараққий эттиришни тақозо этмоқда. Бу эса бутун жаҳонда кенг қўлланилаётган электрон тўлов тизими, кредитли пластик карталари, йўл чеклари ва бошқа турдаги тўлов воситаларини амалда жорий этиш ва ривожлантиришимизга имкон яратди.

## Соҳалар ривожини учун кредитлар

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Андижон вилояти филиалида кредитлашнинг янги тури ва шакллари жорий этиш бўйича хизматлар линияси ривож топди. Замонавий банк технологиялари тармоқлари ва интерактив хизматлар қамрови кенгайиб бормоқда.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ТИФ Миллий банкининг Андижон вилояти филиали томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига 180016,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилиб, бу ўтган йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир. Ажратилган банк кредитлари эвазига жойларда жами 965 нафар иш ўрни яратилди.

Саноат соҳасини ривожлантириш учун жорий йил давомида 11300,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Оддий аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича банк томонидан жами 22099,0 млн. сўм имтиёзли микрокредитлар берилди. Ушбу имтиёзли микрокредитлар чорвачиликни ривожлантиришга, иссиқхона қуришга, паррандачилик соҳасига, лимон, грек ёнғоғи ва узумчилик соҳасини ривожлантириш ва бошқа йўналишлар учун ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўйбга чиқаришида кўмаклашишда ТИФ Миллий банкининг Андижон вилояти филиали томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан банк оstonасига келаётган битирув-

чиларга кўрсатилаётган ёрдам, уларнинг истиқболли лойиҳалари банк кредитлари билан қўллаб-қувватланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Вилоятнинг чекка ҳудудларида хизматлар соҳаси ва сервисни янада жадал ривожлантириш мақсадида 2017 йил давомида банк томонидан 13069,0 млн. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Банк филиаллари томонидан деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун кредит маблағлари мунтазам ажратиб келинмоқда. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортмоқда, кўплаб иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда.

– ТИФ Миллий банкининг Андижон вилояти филиали томонидан бошқа соҳалар ривожини учун 108698,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди, – дейди биз билан суҳбатда ТИФ Миллий банкининг Андижон вилояти филиали бошқарувчиси ўринбосари Элёрбек Нимонитдинов.

Зеро, бундай кенг қўламли банк хизматларининг тақдим этилиши ва тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик самарали фаолиятимиз асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳамдам АМИНОВ.

## Ёш фермерларга кредит сертификати топширилди

«Она ер ёшлар қўлида» шиори остида ўтказилган Ўзбекистон ёш фермерларининг биринчи Республика форумида Акциядорлик тижорат Халқ банки ва бошқа молия муассасалари томонидан ёш фермерларга наслии чорвачилик ҳамда балиқчиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида фермерлик фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда 160 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан қарийб 5 900 тасини, яъни 3,6 фоизини ёш фермерлар ташкил этади.

Ёш фермерларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, тажриба ал-

машишини йўлга қўйиш, эришган ютуқларини оммалаштириш, улар фаолиятида учраётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган тадбирда юртимизнинг барча туманларидан 700 дан ортиқ ёш фермер иштирок этди.

Форумда илгор фермер хўжалиқлари ва корхоналар раҳбарларининг иш тажрибалари ва эришган ютуқларини ёшларга ўргатиш мақсадида маҳорат дарслари ўтказилди. Унда ёш фермерларнинг янги ишлаб чиқилаётган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги низоми юзасидан фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари қабул қилинди.

Наргаз АҲМЕДОВА.

## Хотин-қизларни хунармандчиликка кенг жалб этиб

Жиззахда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Жиззах вилояти кенгаши, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлиmlари ҳамкорлигида хотин-қизларни хунармандчиликка кенг жалб этишга бағишлаб ташкил этилган «Мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда менинг ўрним» мавзусидаги тадбирда айни шулар хусусида сўз юритилди. Унда халқ усталари, хунармандлар, муассавирлар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизлар хунармандчилигини ривожлантиришда мавжуд ютуқ ва камчиликлар, уй бекалари ва коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш бўйича соҳадаги имкониятлар атрофида муҳокама қилинди. Хунарманд хотин-қизлар фаолиятидаги тўсиқларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди. Мутахассислар томонидан кичик бизнес ва хусусий тад-

Мамлакатимизда хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўлда Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳа ривожини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



биркорликка оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда хунармандчилик йўналиши учун кўзда тутилган энгиллик ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тижорат банклари вакиллари томонидан хунармандлар учун таклиф этилаётган банк хизматлари, имтиёзли кредитлар хусусида тушунчалар

берилиб, тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

– Партия сайловолди платформасида белгиланган устувор йўналишлардан бири бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандчилик ҳамда оилавий тадбиркор-



ликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатларимиз янада мустаҳкамланмоқда, – дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Жиззах вилояти кенгаши етакчи мутахассиси Ш.Мусаева. – Пар-

тиянинг тижорат банклари билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Банк кредитлари – хунармандларга» лойиҳаси доирасида миллий хунармандчилик йўналишида оилавий тадбиркорликни бошлаётган хотин-қизларга яқиндан кўмак берилаётир. Лойиҳани амалга оширишда чекка ҳудудларда яшовчи уй бекалари, касб-хунар коллежлари битирувчи қизларини хунармандчиликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада улар томонидан қишлоқ жойларда барпо этилаётган тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик устахоналари, миллий қандолатчилик цехлари сони янада кўпаймоқда.

Тадбир доирасида тадбиркор, rassom ва хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилиб, эълон қилинган «Энг яхши хунарманд», «Энг яхши rassom», «Энг яхши тадбиркор» номинациялари ғолиблари муносиб тақдирланди.

Бекзод АҚРОМОВ.



## ҲАМКОРЛИК

## Муҳим инвестицион анжуман



(Давоми. Бошланиши 4-бетда).

Чунончи, Президентимизнинг шу йўналишдаги Фармон ва Қарорларида чет эллик сармоядорлар ҳуқуқлари кафолатлари, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган имтиёз ва афзалликлар ўзининг мустақкам ифодасини топган. Шунингдек, у ўз маърузасида ҳуқуқий ҳимоядан ташқари солиқ имтиёзлари, валюта сиёсатининг эркин йўлга қўйилганлиги каби кўплаб имкониятлар хусусида сўз юритди.

Шундан сўнг «Globalscope International M&A Association» халқаро молия уюшмаси ҳамраиси Майкл Моритз, «Strategy Partners Group» директорлар кенгаши раиси Александр Идрисов, «RB Partners Group & Globalscope» компанияси етакчи ҳамкори Константин Джимбинов ва бошқалар ўз маърузалари билан иштирок этиб, юртимиз



даги инвестицион муҳитга тўхталар экан, бу борадаги тажрибалари ва ўз компанияларининг амалга оширилган ишлари хусусида йиғилганларга маълумотлар беришди.

– Сизнинг юртингиз жуда катта имкониятларга эга, – дейди «Strategy Partners Group» директорлар кенгаши раиси Александр Идрисов. – Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатингизда олиб борилган ислохотлар бу имкониятларингизни янада оширмақда. Тадбиркорлар ва хорижий сармоядорларга яратилган имтиёзу шароитлар кўплаб хорижликларнинг эътиборини тортди, Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари ортишига омил бўлмоқда. Бугунги бизнес форум ҳам айнан юртингиздаги қулай инвестицион муҳитга бағишлагани айни мuddао бўлди.

Шунингдек, анжуманда хорижий сармоядорлар томо-

нидан Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг нуфузли халқаро рейтинглардаги позициясига ва ишбилармонлик муҳитига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги, бу эса ўз самарасини бериб, Жаҳон банкининг «Doing business-2018» рейтингини натижалари бўйича Ўзбекистон 13-поғонага кўтарилиб, ишбилармонлик муҳити яхшиланиши бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари ўнталлигига киритилганлиги ҳам қайд этилди.

Бизнес форумда инвестиция, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасидаги етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассислар ўз чиқишлари билан қатнашди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига хорижий сармояларни жалб қилишнинг илгор воситалари ва имкониятлари, долзарб вазифалари каби жаҳон тажрибаси билан боглиқ қиёсий мисоллар келтирилди.

Бекбур МУҲАММАДИЕВ.

## Фермерлар учун имкониятлар

Бугун ҳеч бир соҳа йўқки, техника кириб борманган бўлса. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишларини усиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки трактору техникалар дехконнинг оёқ-қўлига айланган. Уларнинг мушкуллари осон, ишини енгиллатадиган ҳам айнан шулардир.

Бугун фермерларимизга кўмақдош бўлиб келаётган ташкилотлардан бири «Ўзагросервис» акциядорлик жамиятидир. Жорий йил 5 декабрь куни пойтахтимизнинг Миллий матбуот марказида «Қишлоқ хўжалиги техникаларини эҳтиёт қисмлар билан узлуксиз таъминлаш, техникаларни таъмирлаш ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш бўйича олиб борилган ишлар мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти раҳбарияти ва мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.

сервис МТП» МЧЖ ва уларнинг 174 та туман филиаллари, 5 та республика ва 7 та вилоят миқёсидаги таъминот корхоналари, 2 та қўшма корхона бўлиб, уларнинг барчаси фермер хўжалиқларига юқори техник сервис хизматлари кўрсатиб келмоқда.

– Жорий йил ҳукуматимиз томонидан берилган топшириқлар асосида баҳорги дала ишларида қатнашган техникалар ва галла ўриш комбайнларини мавсумий дала ишларига тайёрлаш учун 140,0 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги эҳтиёт қисмлар,



Маълумки, Президентимизнинг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти ташкил этилган ҳамда унинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган эди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги техникаси ва уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган талаб-эҳтиёжни ўрганиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сервис ва механизациялаштирилган хизматларни кўрсатиш соҳасида ягона техник сиёсатни юритиш каби бир қатор вазифалар юкланган. Шунга мувофиқ, жамият тизимида «2017-2021 йилларда моддий-техника базасини модернизация қилиш ва молиялаштиришнинг аниқ манбалари дастури» ишлаб чиқилиб, 5 йил давомида жами 1 307 893 млн. сўмлик, 19 мингга яқин қишлоқ хўжалиги техникалари ва машиналарини лизинг, банк кредити, «Ўзагросервис» АЖ ва бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан сотиб олиш белгилаб олинди.

Айни кунда жамият тизимида 13 та ҳудудий «Агро-

қишлоқ хўжалиги шиналари ва бошқа турдаги моддий-техник ресурслар жойларга етказилди, – дейди «Ўзагросервис» АЖ бўлим бошлиғи Абдор Мирзаев. – Айни дамда эса 5997 та ҳайдов тракторлари ёрдамида 2018 йил ҳосили учун 1 млн. 110 минг гектар майдонларда қузғи шудгорлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, эҳтиёт қисмларига бўлган талаб-эҳтиёжни ўрганиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сервис ва механизациялаштирилган хизматларни кўрсатиш соҳасида ягона техник сиёсатни юритиш каби бир қатор вазифалар юкланган. Шунга мувофиқ, жамият тизимида «2017-2021 йилларда моддий-техника базасини модернизация қилиш ва молиялаштиришнинг аниқ манбалари дастури» ишлаб чиқилиб, 5 йил давомида жами 1 307 893 млн. сўмлик, 19 мингга яқин қишлоқ хўжалиги техникалари ва машиналарини лизинг, банк кредити, «Ўзагросервис» АЖ ва бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан сотиб олиш белгилаб олинди.

Шунингдек, жамият томонидан хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, хизмат нархларини арзонлаштириш ҳамда жаҳон андозасида замонавий сервис хизматларини ташкил этиш юзасидан қиймати 12,1 млн. АҚШ долларига тенг «Интеграллашган сервис марказларини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Айни дамда ана шундай марказлардан 26 таси жорий этилган бўлиб, фермер хўжалиқларига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

## ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР

## «Uzbek Leasing International»: корейлик шериклар билан ҳамкорлик битимлари

«Uzbek Leasing International» АЖ компанияси томонидан мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23 ноябрь куни Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида Сеул шаҳрида ўтказилган икки мамлакат бизнес доиралари иштирокидаги бизнес форум якунларига кўра, корейлик шериклар билан ҳамкорлик тўғрисида қатор битимлар тузишга эришилди.



Ўзбекистон – Корея ишбилармонлик муносабатлари кенгайишига хизмат қилувчи ушбу келишувлар «Uzbek Leasing International» АЖ компанияси ҳамда «Road International Co. Ltd.», «GST Korea», «Kwangshin Korea», «KCP Heavy Industries Co. Ltd.» ўртасида имзоланди.

Хусусан, «Road International Co. Ltd.» томонидан 10 млн. долларлик шартнома асосида Кореяда ишлаб чиқарилган технологик ускуналарни етказиб бериш, «GST Korea» томонидан 20 млн. долларлик шартномага мувофиқ «Hyundai Heavy Industries» компаниясининг махсус техникасини етказиб бериш, «Kwangshin Korea» томонидан 10 млн. долларлик шартномага асосан АГТКС ускуналарини етказиб бериш, «KCP Heavy Industries Co. Ltd.» томонидан 10 млн. долларлик шартномага биноан бетон-насос ускуналарини етказиб бериш назарда тутилган.

Корейлик ҳамкорлар томонидан етказиб берилган барча техник ва технологик ускуналар республикамиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг асосида берилиши мақсад қилинган.

Бекзод АКРОМОВ.

# ЎЗБЕКИНВЕСТ

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

## «Ўзбекинвест»: суғурта хизматлари турини кенгайтирмоқда

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири мижозлар манфаатига мос келадиган сифатли суғурта хизматларини тақдим этишдан иборат. Бугунги кунда компания 100 дан ортиқ суғурта маҳсулотларини тақлиф этиб келмоқда. Жорий йилда ҳам мазкур йўналишдаги фаолиятини такомиллаштирган ҳолда, мижозлар талаб ва эҳтиёжлари асосида янги суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, жорий йилги янги суғурта маҳсулотлари транспорт воситалари ва аҳоли мол-мулклари ҳимоясига йўналтирилган. Зеро, мамлакатимизда транспорт воситаларидан фойдаланаётган ҳамюртларимиз сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Йўлларда автомобиллар оқимининг кўпайиши аҳолига қатор қулайликлар яратиши билан бир қаторда, транспорт воситаларига ёки ҳайдовчи ва йўловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига зарар етиш хавфини ҳам ошириши ҳеч кимга сир эмас. Кутилмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳайдовчининг ҳаёти ва соғлиғига етадиган зарарни қоплаб бериш мақсадида «Ўзбекинвест» компанияси «Ҳайдовчи ҳимояси» номли янги суғурта маҳсулотини ишлаб чиқди.

Ушбу янги суғурта маҳсулоти ҳайдовчига автомобилнинг ичида, ёнида ёки уйда ва ишда бўлган вақтда шикаст етганда, шунингдек, ёнгин, портлаш, яшин уриши, электр токи, буғ, газ, кимёвий моддалар таъсири, совуқ уриши, чўкиш, учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, ҳайвонлар ҳужуми ҳамда суғурта шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар оқибатида ҳайдовчининг соғлиғига зарар етганда молиявий ёрдам кўрсатиши кўзда тутади.

Ҳозирги кунда баъзи ҳайдовчилар учун йўлда шикастланиш ёки ишламай қолган двигателни ишлаб юбориш ёки ёпилиб қолган эшикларни очиш муаммо бўлиши мумкин.

Ҳайдовчиларнинг ушбу эҳтиёжидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган яна бир янги суғурта маҳсулоти автомобилларга йўлдаги носозликларидан ёрдам кўрсатишга қаратилган бўлиб, бунда йўлда транспорт воситасининг бузилиши ёки кутилмаганда ва бирданига тўхтаб қолиши натижасида шикастланган шиналарни таъмирлаш, алмаштириш, транспорт воситасининг капоти, юкхонаси ва эшикларини бузилганда очиш, двигателни ишга тушириш ва бошқа майда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ техник хизматлар тақдим этилади. Бундан ташқари, транспорт воситасини воқеа жойида тузатишнинг имкони бўлмаса, суғурта ҳудуди чегарасида ҳайдовчи кўрсатган манзилгача эвакуация қилиши кўзда тутади.

Ушбу суғурта туридан нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланиши мумкин.

Компания тақлиф этаётган навбатдаги янги маҳсулот – «Менинг уйим – менинг Ватаним» суғурта хизматидир. Мазкур хизмат аҳоли мол-мулки учун суғурта ҳимоясини тақдим этишга қаратилган. Хусусан, табиат ҳодисалари, яъни бўрон, довул, жала, дўл, кўп қор ёғиши, кўчки, сел, яшин уриши, зилзила, ёнгин, портлаш, шунингдек, учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида транспорт воситалари-



нинг тўқнашуви, учувчи воситаларнинг қулаши, сув таъминоти, канализация тизимларининг авария бўлиши каби ҳолатлар оқибатида мол-мулкка ва учинчи шахсларга ет-

Ушбу суғурта маҳсулотлари бўйича суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда тегишли ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб ўн беш кун ичида суғурта қопламаси тўлови амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида компания томонидан аҳоли соғлиғи, ҳаёти ҳамда юридик шахслар мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 7 та янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилган. Шунингдек, мижозлар талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ, намунавий суғурта шартномаларининг шартларига 42 та ўзгартириш киритилган, суғурта бозори талабларидан келиб чиқиб, 103 та суғурта шартномаси модернизация асосида қайта кўриб чиқилган.

### ЯНГИ СУГУРТА МАҲСУЛОТЛАРИ:

1. «Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ-баллон қурилмаларини суғурталаш»
2. Маданий бойликларни суғурталаш
3. «Ёш саёҳатчи» суғурта маҳсулоти
4. «Менинг уйим – менинг Ватаним» суғурта маҳсулоти
5. «Ҳайдовчи ҳимояси» суғурта маҳсулоти
6. Автомобилларга йўлдаги носозликлар бўйича ёрдам кўрсатишга қаратилган суғурта маҳсулоти
7. «Автотранспорт ҳайдовчисининг фуқаролик жавобгарлигини ихтиёрий суғурталаш».

казилган зарарларни қоплаб бериши назарда тутади.

Реклама ўрнида

«Ўзбекинвест» ЭИМСК  
Ахборот хизмати  
материали асосида  
Жасур МИРЗАЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

# ОБУНА-2018

## ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2018 ДАВОМ ЭТМОҚДА.

### Обуначилар диққатига!

- Обунани фақат «Банк ахборотномаси» газетаси билан шартнома тузган дистрибутор-ташкilotлар орқали расмийлаштиринг.
- Тахририят бугунги кунда кўйидагилар билан шартнома имзолаган:
- ТАРҚАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:
  - ▶ «Ўзбекистон почтаси»;
  - ▶ «Матбуот тарқатувчи» агентликлари.
- ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:
  - ▶ «Matbuot Service» МЧЖ;
  - ▶ «Inform Pochta» МЧЖ;

- ▶ «Kaleon inform» МЧЖ;
- ▶ «Sayyor Pochta» МЧЖ;
- ▶ «Matbuotchi» МЧЖ;
- ▶ «Global Impax Solutions» МЧЖ;
- ▶ «Nukus modern press» МЧЖ;
- ▶ «Матбуот етказувчи» МЧЖ.
- Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, тахририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.

Обуна бўйича мурожаат учун:  
Тел.: (998 71) 232-45-32,  
(998 71) 233-45-16.  
Факс: (998 71) 232-43-98.  
E-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz)  
Обуна индекси – 102.



### БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шахрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz),

[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz)

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони.

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиғи билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № г 1289.

Адади 4504 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 6.12.2017 й., 9.00.